

ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Инамова Мавлуда Абдуллаевна,
п.ф.н. доц. НамМҚИ**

E-mail: m.inamova@mail.ru

**Инамова Гулигавҳар Абдуллаевна,
катта ўқитувчи НамМҚИ**

E-mail: g.inamova@mail.ru

Аннотация: Мақолада касбий тайёргарликни амалга ошириш, талабаларни шахс сифатида камолотга етказиш, уларни касбга йўналтириш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимлар фикри ўрганилган. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил изланувчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган..

Аннотация: В статье изучены мнения ученых, проводивших исследования по проблемам осуществления профессиональной подготовки, доведение студентов до совершенства как личность, их профориентации. Разработаны предложения и рекомендации по формированию навык и квалификаций самостоятельного исследования студентов в процессе обучения экономических предметов.

Abstract: The article examines the opinions of scientists who conducted studies on the problems of training, bringing students to perfection as a person, their career guidance. Proposals and recommendations on the formation of skills and qualifications of independent research of students in the process of teaching economic subjects are developed.

Калит сўзлар: касбий маҳорат, билим, кўникма, малака, таълим технологияси, билиш, комил инсон.

Кириш

Мамлакатимиз йилдан-йилга жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, тараққиётнинг ўзи танлаган йўлидан асосий мақсадимиз – инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият ҳисобланувчи, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва тараққий эттириш сари дадил одимлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш даражасининг сезиларли равишда ўсиши эртанги кунга бўлган ишончнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан асосий мақсад миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ўз навбатида фуқароларнинг

ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини намоён қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, ҳақиқий иқтисодий барқарорлик учун реал шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “...Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди” [1].

Бу тўла маънода замонавий мутахассисларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилаётган олий таълим тизимига алоқадор бўлиб, таълимнинг янги мақсадлари ижодкор шахсни шакллантириш, ўз фаолиятини мустақил танлашни шакллантиришни назарда тутди. Таълим жараёнининг сифати аксарият ҳолларда, талабанинг қай даражада билиш субъекти бўлиши, ўқиш жараёнида фаоллик кўрсатиши ва мустақил билим олишга интилиши билан белгиланади.

Бугунги кунда ёшларни, умуман, илм-фан соҳаси ходимларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши замон талабидир.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт” [2], деб таъкидлаб ўтдилар.

Бу эса барча касбий таълим тизими учун умумий вазифа-ёш инсон ўқув даргоҳини тугатиш вақтида ишлаб чиқариш тизимида унга ажратилган жойда тўлиқ маҳсулдор ишга тайёр бўлиш учун, бўлажак мутахассисда касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш лозим, яъни у касбий фаолиятда ҳаракатчан бўлиши, зарур вақтда фикрини ўзгартира олишга қодир бўлиши шу билан бирга ҳолатни ўзгариши, яъни бозор ишчи кучларга бўлган эҳтиёж режасининг ўзгаришига қарамасдан бозор талабларига мувофиқ қайта ўрганишни ва ўзи ўрганишни уддалаши лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кейинги йилларда таълим муассасалари таълим ва тарбия тизимига талабаларни мустақил ишларини замонавий ташкиллаштириш муаммо сифатида кириб келди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, узоқ вақтгача мустақил иш муаммоси бир қатор олимларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этган.

Касбий тайёргарликни амалга ошириш, талабаларни шахс сифатида камолотга етказиш, уларни касбга йўналтириш муаммолари қўйидаги

олимларимиз тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Жумладан, А.Р. Ходжабаев [3] меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўқув-методик мажмуасини яратишнинг методик асосларини ишлаб чиқиб, мажмуанинг ўқитувчиларни тайёрлашдаги ўрни, аҳамиятини асослаган бўлса, У.Н. Нишоналиев [4] меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг яхлит тизимини тарихий даврларга бўлиб ўрганган.

Р.Ҳ. Джўраев [5] ва Я. Ҳайдаров [6], Бозор иқтисодиёти шароитида мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини, П.З. Ишанов [7], А.Қ. Ишматов [8], М.И. Махмутов [9] ва А.А. Шоюсуповалар [10] мутахассислар тайёрлаш жараёнини ўқув-услубий мажмуа билан таъминлаш муаммолари, шунингдек, У.И. Иноятов [11], П.Т. Магзумов [12] ва Н.А. Муслимовлар [13] меҳнат ва касб таълимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил изланувчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш борасида эса етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида муаммога бағишланган илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили; педагогик кузатиш, суҳбатлар, педагогик тажриба-синов ишлари, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Инсоннинг билим билан бойишининг доимий жараёни ҳозирги шароитда фаннинг жамият ҳаётидаги ролининг ортиб бориши билан шартланган янги хусусиятларни касб этди. Энди у мавжуд билимлар ва кўникмаларнинг амалий йўл билан тўлдирилишини намоён этмайди. Инсонларни илмий билимлар ва уларни амалиётда қўллаш ўқувлари билан бойитиш жараёни ҳал қилувчи ўринни эгалламоқда. Буни эса ўзлуксиз ривожланувчи ва ривожланиш жараёнида табақалашувчи таълим тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Билимлар ва ахборотларнинг жамият ривожланишидаги аҳамиятини ниҳоятда ошиб бораётганлиги ахборот жамияти концепцияларида ва ахборот цивилизациясининг шаклланишида ўз аксини топди. Янги билимлар, ахборот, ўқув ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга йўналтирилишнинг қарор топиши нафақат индустриал иқтисодиётдаги ходимларнинг, балки тадбиркорларнинг, бизнес раҳбарларининг ҳам фундаментал хусусиятларига айланмоқда. Ахборот жамиятида қарор топувчи иқтисодий ривожланишнинг янги хили улар учун ўз малакасини доимий равишда ошириш заруратини келтириб чиқаради. Таълим соҳаси ахборот жамиятида ҳаётнинг иқтисодий соҳаси билан аралашиб кетади. Таълим фаолияти иқтисодий ривожланишнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

Замонавий ахборот инфратузилмасини шакллантириш нафақат иқтисодий самарадорликни ошириш вазифалари билан, балки бизнесда янги технологиялардан, замонавий техника тизимларидан, маълум билимлар, ўқув ва кўникмалардан, инсонлар хатти-ҳаракатининг моделларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади.

Ижтимоий ривожланишда билимлар, ахборотлашишнинг кучайиши,

билимларнинг аста-секин инсон капиталига айланиши таълим соҳасининг ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти таркибидаги ролини кескин ўзгартиради. Албатта, турли мамлакатлар ва турли давлатлар гуруҳларида таълим тизимининг ижтимоий тузулмадаги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ, янги ахборот цивилизациясининг вужудга келиши таълим соҳасини ижтимоий ҳаётнинг марказига чиқарди.

Узлуксиз таълим тизими қатор бўғинлардан таркиб топган. Ҳар бир бўғинда кадрларни тайёрлаш алоҳида режалаштирилиши ва тартибга солиниши лозим.

У ёки бу таълим технологиясининг танланиши энг аввало мақсадга, яъни қандай даражада билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларнинг ўзлаштирилиши назарда тутилганлигига боғлиқ.

Таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида жамиятнинг юқори малакали, кенг ихтисосли, рақобатбардош кадрларга бўлган талаби билан уларни ҳақиқий тайёргарлик даражаси орасида зиддиятлар эътироф этилган. Бу зиддиятли ҳолатни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида барча кўринишда таълим мазмунини ўзлаштириш ва талабаларни шакллантириш қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Демак, касб-ҳунар таълимида жамият талаблари асосий омил ҳисобланади. Уларсиз касбий таълим-тарбия жараёни бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятда ёш авлодни тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар касбий тайёргарлик натижаларини баҳолаш учун ўзига хос меъёр ва мезон вазифасини ўтайди. Ҳар доим ҳам талаб билан тайёргарлик даражаси бир-бирига мос бўлавермайди, бундай ҳолат ўз навбатида узоқ тарих давомида исботланган ва мунтазам равишда ривожланиб борувчи тажрибаларни тез фурсатлар ичида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳар доим зикр этилган зиддиятли ҳолат касб таълимини ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қилади. Бу зиддият турлича шаклда ўз ифодасини топиши мумкин. Ҳар бир шахсга касбий таълим беришда ҳаракатга келтирувчи куч, бир томондан унга қўйилган талаб, иккинчи томондан, ундаги имконият ва мотивлар орасидаги зиддиятлар ҳисобланади. Маълумки, мотивларсиз касбий таълим жараёни амалга ошмайди. Демак, талабаларнинг мотивацияси зиддиятларнинг муҳим компонентиدير.

Олий таълим ўқитувчи-талабалар, фаол ўқув-билиш фаолияти ҳамда таълим мазмунининг ўзаро таъсири, алоқадорлиги жараёнида содир бўлади.

Ўзлаштириш илгариги тажриба билан янгисини, янги ахборот билан аввал англанган ахборотларни бир-бирига қўшилишидир. Ўзлаштириш ижтимоий тажрибани шахсий мулкка айланишини англатади. Ўзлаштириш тартибсиз ва мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилиши мумкин. Агар катта ёшлилар болалар диққат-эътиборини ўзига тортиб маълум объект хусусиятларини тушунтирса, мақсадга мувофиқ ўзлаштириш жараёни кечган бўлади. Мақсадга мувофиқ ўзлаштириш ҳам ўз навбатида мустақил ва махсус ташкил этилган жараёнда амалга ошади.

Психологик жараёнлар: идрок этиш, фикр юритиш, хотира ва унинг натижаси ўлароқ ўзлаштириш ҳам маълум фаолият кўринишидир.

Л.С. Выготский фикрича, индивиднинг меҳнат, фаолияти, энг аввало қуролларни англаб, жамоавий тажриба тўплаш натижаси сифатида намоён бўлади.

Идрок этиш ҳар қандай ўзлаштиришнинг бошланғич ва зарурий шarti ҳисобланади. У энг аввало моддий хатти-ҳаракатларда, сўнгра эса моддийлаштирилган тасвирларда, объект сари ёки белгиларда кечади.

Идрок этиш, тасаввур ҳосил қила олиш ва ундан билим, кўникма ва малака даражасига ривожлантириладиган мазмунга биноан ўзлаштириш даражалари фарқланади. Педагогик психологияда тушунчалар, кўникма, малака фикрлаш усуллари фарқланади. Бу фаолиятнинг ҳар бир тури ўзига хос ўзлаштириш усулларини талаб этади. Билимларни ўзлаштириш: далилларни идрок этиш, фикрлаш ва хотирада сақлаш жараёнида кечади. Ҳар қандай ўзлаштириш жараёнининг зарурий компоненти хотирада сақлаш ҳисобланади.

Турли вазиятларда аввал ўзлаштирилган билимларга таяниш хотирада уларни мустаҳкамлайди. Билимлар, маълум тартибга солинса, бошқа билимлар билан қонуний боғланса, тизимли билимнинг маълум бўлагига айланса тўлақонли ўзлаштирилади. Бундай ҳолда материал ҳажми ўзлаштиришга тўсиқ бўлмайди. Билимлар қанча аниқ бўлса, сезги тажрибалари ўзлаштиришга асосланса, кўрсатмалиликнинг ўрни шунча ортади. Сезги органлари қанча чегараланган, ахборот мавҳум ва умумлашган бўлса, унга мос равишда талабалардан юқори даражадаги умумлаштириш ва мавҳумлаштириш фаолияти талаб этилади. Лекин ҳар қандай умумлашган фаолиятнинг асоси аниқ далил, тушунча тизимидан ташкил топади.

“Тушунча” деганда ўрганилаётган объект (предмет, буюм, ҳодиса, жараён, тирик мавжудот)нинг энг муҳим хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари кабиларни ўзида ифодаловчи фикр шакли тушунилади. Амалда тушунчалар: сўз орқали (вербал), матн, жадвал, график, шартли белгилар кўринишида ифодаланади. Бундай ахборот ҳар қандай талабаларда мавжуд бўлган аниқ билимлар, сезги ва тасаввурларига таянади. Тўлақонли ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи шarti тушунчанинг анланганлик даражаси ҳисобланади.

Билиш ҳали ўддалай билиш дегани эмас. Иш-ҳаракат усулларини ўзлаштириш ўқув фаолиятининг махсус соҳаси - босқичидир. Талабалар томонидан ўзлаштирилган иш-ҳаракат усуллари психологияда кўникма ва малакалар деб эътироф этилади.

Малака иш-ҳаракат усулларини аниқ, тез ва такомил даражада амалга оширишни англатади.

Кўникма - иш ҳаракат усуллари бўлиб, у бир қанча операциялар кетма-кетлигидан ташкил топади ва умумий мақсадга йўналиб, ўзлаштирилган билимларни турли вазиятларда аста-секинлик билан кўллашни кўзда туттади.

Малака турли даражада ўзлаштирилиб, ҳар доим онг билан назорат қилинади. Ҳар қандай иш ҳаракат усуллари кўникма ёки малакага айланиши учун неча марта такрорланиши зарур. Бунда малака учун дастлаб бир операцияларни оддий ва кейинчалик эса турли шароитларда такрорлаш зарур[14].

Мотор кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун дастгоҳда машинада ёзиш, йўриқнома бўйича тажриба-синов ишларига тайёрланиш каби ҳаракатланиш машқларини бажариш талаб этилади.

Баъзи бир кўникма ва малакалар сенсомотор ўзлаштиришни талаб этади, масалан, хат ёзиш, чизма чизиш, графиклар тузиш кабилар.

Интеллектуал (аклий) хатти-ҳаракатлар ҳам кўникма ва малака деб эътироф этилади.

Табиийки, билимларсиз кўникма шаклланмайди ва шаклланиши ҳам мумкин эмас. Бирор нарсани онгли бажариш учун энг аввало нима, қандай ва нима учун кераклигини билиш зарур бўлади. Бу билан билимларни кўллаш уларни янги даражада ўзлаштиришга айланади. Билимларни кўллашда фаолиятнинг зарурий шартини ва таркибий қисми сифатида тафаккурлаш (фикр юритиш) иштирок этади. Лекин фикрлаш тажрибасини ўзлаштириш махсус фаолият соҳасидир.

Объектив оламнинг муҳим хусусияти, алоқаси ва муносабатлари инсон онгида билвосита ва умумлашган ҳолда акс этиши тафаккурни англади.

Фикрлаш энг аввало таҳлил этиш ва синтезлаш воситасида амалга оширилади. Аналитик-синтетик фаолият барча фикрлаш операцияларида қиёслаш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, турлаш, аниқлаштириш кабиларда амалга оширилади: Ҳар қандай қиёслаш бир-бири билан таққосланаётган объектларни синтезлашни, бўлаклашни кўзда тутди.

Фикрлаш ривожланиш босқичларига кўра кўргазмали, образли ва абстракт, назарий турларга бўлинади. Фикрлаш (тафаккурлаш) объектларнинг хусусияти ва муносабатларини ёритиш (ифодалаш)га оид фаолиятдир.

Педагогик манбаларда таълим мазмуни ҳақидаги масала мунозара характерига эга. Бу тушунчани изоҳлашга кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти ва илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Билимларни эгаллашга йўналтирилган таълим мазмуни шахснинг ижтимоийлашувига имкон бериб, фан ва ишлаб чиқариш соҳалари билан талабаларни (таништиради) мулоқотини белгилайди. Шунингдек, ушбу ёндашувга кўра, билимлар талабаларнинг қадриятлар ёндашуви И.Я. Лернер каби педагог олимлар томонидан таълим мазмунининг моҳияти аниқланган [15].

Юқорида зикр этилган олимларнинг фикрича, таълим мазмуни фақат билим ва кўникмалардан иборат эмас. Зеро, билим ва хатти-ҳаракат усуллари таълим мазмунининг муҳим элементиدير. Рус педагог олими И.Я. Лернер билимларни қуйидаги уч вазифа (функция)сини ажратиб кўрсатади:

- ўрганилаётган реал воқелик ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш, жамият ва инсониятнинг яхлит ривожланишини илмий тасаввур этиш;

- иш-ҳаракат усуллари мўлжалга олиш асосларини яратиш ёки иш-ҳаракат усуллариининг йўналишини аниқлаш;

- ўқиб-ўрганилаётган объектларга нисбатан эмоционал муносабатлар асосларини шакллантириш, шу йўл билан дунёқарашни тарбиялаш воситаси бўлиш. Ижтимоий тажрибалар: билим, иш-ҳаракат усуллари, ижодий тажриба ёки изланувчан фаолият ҳамда эмоционал қадрият муносабатларини ўзига

қамраб олади.

Таълимда узлуксизликни таъминлаш ўқув предмети қисмларидаги зарур ва тўғри нисбатни ўрнатиш заруратидан келиб чиқади. Шунингдек, узвийлик тушунчаси таълимнинг турли босқичи, шакли, методларида билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларга қўйиладиган талабларни кўзда тутди. Узвийлик қўйидаги икки омилни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: фаннинг мазмуни ва мантиқи; билимларни ўзлаштириш жараёни қонуниятлари.

Ўқув предмети ўзлаштиришда биринчи омилнинг аҳамияти муҳим бўлиб, тушунча, далил, қонунлар каби ўқув предмети мазмунини ташкил этувчи таркибий элемент, кетма-кет, аста секинлик билан ўрганилаётган объект моҳиятини имкон қадар англаб боришга шароит яратади. Иккинчи омил илмий билимларга ишлов беришни талаб этади.

Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материалларини талабалар томонидан ўзлаштирилиши қулай бўлган ҳолатда шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Узвийликни кетма-кет амалга оширилиши таълим истиқбол тавсифини беради. Бунда алоҳида мавзулар бир-биридан тубдан ажратилган эмас, балки биринчиси иккинчиси учун асос ва иккинчини мўлжал сифатида ҳисобга олинишини кўзда тутди.

Амалда таълим мазмуни лойиҳалаштириш қўйидаги икки даражада амалга оширилади:

- блок модулли ўқув дастури даражасида;
- аниқ мақсадга мувофиқ ўқув материали сифатида.

Бунда ихтисослик қайси касбга мансублиги, шунингдек, касбнинг ўзи қандай фаолият турига тегишли эканлигини ҳам аниқлаштиради. Аниқ йўналишда танлаб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга таҳлил этилади. Юқори қатлам иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлса, ўрта қават касб-ҳунар ва пастки қават алоҳида ихтисосликларга тўғри келади. Бундай ёндашув замонавий касб-ҳунар таълими мазмуни шакллантириш муаммоси ечими сифатида эътироф этилмоқда. Чунки бунда касб ёки ихтисослик нуқтаи назаридан пастдан эмас, балки аниқ йўналиш доирасидаги касбий таълим мазмуни яхлит тизим сифатида юқоридан пастга томон тадқиқ этилади.

Таълим мазмуни танлаб олишга умумий ёндашувлар: 1) Таълимда узвийлик ўқув предметининг ташкилий қисмларининг тўғри нисбати ва зарурий боғлиқлигини таъмин этади. Ўқув материалнинг жойлашиши ва бу материални ўзлаштириш усуллари танлашдаги узвийлик қўйидаги икки омилни ҳисобга олиш билан амалга оширилади: Ушбу ўқув предмети тегишли фан мазмуни ва мантиқи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятларини, фаннинг мазмуни ва мантиғи ўқув предметининг узвийлигини таъмин этишда муҳим аҳамият касб этади: тушунча, қонунлар ва далиллар, ўқув предмети мазмунининг ўзаги ҳисобланиб, кетма-кет жойлашади ва ўрганилаётган соҳага оид билимларнинг кенгайиб боришини таъминлайди, олдингилари кейингилари билан узвий боғлиқ бўлади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари омили илмий-билимларни тўғридан-тўғри ўқув предмети мазмуни сифатида талқин этилишига

йўл қўймайди, унга дидактик ишлов беришни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материални концентрик жойлашувида ҳам амалга оширилади. Тушунчаларни кенг ва чуқур алоқадорлигини ўрганиш мазмунини бойитишга уни ўзлаштириш шаклларининг узвийлигини таъмин этади. Узвийлик алоҳида ўқув предметларининг эмас, балки турли ўқув предметларининг ўзаро муносабатларини ҳам қамраб олиши зарур.

Бунинг учун турли ўқув предметларини ўрганишда объектларнинг турли жиҳатларини объектив алоқадорлиги асос ҳисобланади.

2) Таълим мазмуни аввал ДТС (ТТС), сўнгра ўқув режа ва дастури шаклида лойиҳалаштирилади. Таълим мазмуни таълим жараёнининг асосий элементи (ташкил этувчи компоненти)ни ўзлаштириш натижасида ижтимоий мақсадларга эришилади. Ўзлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий маданий тажрибанинг тавсифи ва ҳажми аниқ шарт-шароит, макон, замон, шунингдек таълим муассасасининг тури ва даражасига боғлиқ бўлади.

Таълим мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) самарали амалий фаолият тажрибаси, яъни меҳнат, иқтисодиёт, сиёсат ижтимоий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффақиятли бажариш.

б) билиш тажрибаси атроф олам ривожланиши қонуниятларини англаш методлари ва натижалари; в) умумий мақсадларга эришиш жараёнидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар тажрибаси; г) ахлоқий этик тажриба; д) маънавий-маданий тажриба ва шу кабилар.

Ўқитиш мазмуни муайян таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Ўқитиш мазмунининг

тузилмаси, яъни турли элементларнинг ўзаро муносабатлари, кетма-кетлиги, давомийлигини ўқув режаси аниқлаб беради. Шу пайтгача ўқитиш мазмунини шакллантиришга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Амалда ўқитиш мазмуни бажариладиган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва мазмунига биноан аниқланади.

Масалан, умумий таълимнинг асосий вазифаси инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаёт ва меҳнат касб танлашга ва келгусида касб-ҳунар сир-синоатларини ўрганишга тайёрлашдан иборат. Аниқ касб (ихтисослик) бўйича таълим мазмунини интегратив ёндашув асосида танлаб олишда унинг қайси соҳа бўйича ишлаб чиқаришга мансублиги ҳисобга олинади.

Интегратив ёндашув асосида касб-ҳунар таълими мазмунини танлаб олишда меъёрий асос таснифлагич ва ДТС, ТТС ҳисобланади.

Демак, олий таълим мазмунини танлаб олишда дастлабки асос касб-ҳунар тури ҳисобланади. Ажратиб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга томон таҳлил этилади. Юқориги қатлам соҳага ва алоҳида ишлаб чиқариш ёки фаолият кўринишларига мос бўлади. Ўрта қатлам туташ касбларга тўғри келади; пастки қатлам эса алоҳида касблар, ихтисосликларга тўғри келади. Таҳлил боришида энг аввал умумий таълим мазмуни, кейин хусусий мазмун, яъни касб-ҳунарнинг ўзига тегишли мазмуни танлаб олинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2013 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаридаган йил бўлади» маърузалари. //Халқ сўзи, 2013 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
3. Ходжабаев А.Р. Учебно-методический комплекс подготовки учителей трудового обучения. -Т.: 1989.-91 б.
4. Нишаналиев У.Н. Инструментарий обучения, воспитание и развитие // Ж. Учитель Узбекистана.-Т.: 1998.- № 38.-Б. 2.
5. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. -Т.: Фан, 1992.-259 б.
6. Ҳайдаров Я. Х. Научно-педагогические основы единств общего и профессионального образования в средних специальных учебных заведениях: Автореф. дис. ... док. пед. наук.- Т.: 1990.-15 б.
7. Ишанов П.З. Дидактические основы учебно-методического комплекса подготовки специалистов сельскохозяйственного профиля: Дис. ... канд. пед. наук.-Т.: 2003.-41-59 б.
8. Ишматов К. Организационно-педагогические условия совершенствования методического обеспечения профессиональной подготовки учащихся: Автореф. дис. ... кан. пед. наук.-Т.:1999.-11б.
9. Махмутов М.И., Ибрагимов А. И др. Педагогические технологии развития мышления учащихся. -Казань. 1993.
10. Шоюсупова А.А. Касб-ҳунар коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш ўқув-услубий мажмуасини яратишнинг илмий-услубий асослари: Автореф. дис. ... п.ф.н.-Т.: 2005.-11 б.
11. Муслимов Н.А. Формирование у учащихся V-VIII классов технологических знаний и умений в процессе трудового обучения с повышенным техническим уровнем: Дис. ... канд. пед. наук. 1991.-124 б.
12. Иноятлов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дис.... док. пед. наук.-Т.: ИРССПО, 2004.-40 с.
13. Магзумов П.Т., Ан С. Педагогическое творчество как основа инноваций в педагогике // Ж. Kasb-hunar talimi.-Т.: 2001.-№ 6.-Б. 30-31.
14. Файзуллаева Д.М. Касб-ҳунар коллежларида модулли дастур асосида таълим бериш // Ж. Kasb-hunar talimi, 2002.-№ 4.-Б. 24.
15. Лернер И.Я.Дидактические основы методов обучения.-М., 1996.